

№ 1-124 2011 9-VI

# ЯНГИ ЙИЛ БАРЧАМИЗГА МУБОРАК БЎЛСИН!

2011 ЙИЛ 1 ЯНВАРЬ, ШАНБА

**XXI аср** **садоси**  
БАРЧА МАНБАЛАРДАН  
ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқарилган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КҮНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 1 (11.812)

Баҳоси эркин нарҳда

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Азиз ватандошлар!  
Қадри дўстлар!

Мана шу ҳаяжонли дақиқаларда (айрам дастурхони атрофида жамулжаи бўлиб ўтирган сиз азизларни, бутун Ўзбекистон халқини қутлуғ қадами билан юртимизга яриб келатган янги – 2011 йил билан самимий муборакбод этиш ва энг эзгу тилаклашимни билдиришдан бахтиёрман.

Айни шу лаҳзаларда барчамиз ўиб бораётган йил давомида бошимиздан кичирган, эл-юртимиз ҳаётида рўй берган унутилмас воқеаларни, қувонч ва ташвишларни фиктиёр кўз ўнгимиздан ўтказиб, шу кунларга юф-омон етказгани учун Яратганимизга шўноналар айтишимиз, ҳаётнинг қадр-қимматини яна бир бор англашимиз табиий, албатта.

Яқунига етаётган йилни кузаар эканмиз, бугунги шиддат билан тез ўзгарётган замонда, аввало, ён-атрофимизда юз бераётган нотинчлик ва беқарорлик, қарама-қаршилик туфайли вазият тобора кескинлашиб, мураккаблашиб бораётган бир пайтда мамлакатимизда тинчлик ва осойишталик, оуда ҳаётни сақлаш, жамиятимизда кучайиб бораётган ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, миллатлар ва элатлар ўртасидаги тотувлик ва ҳамжиҳатликнинг қадрига етиш, асраб-авайлаш (қадавр муҳим эканини яна ва яна қалбимиздан, юрагимиздан ўтказамиз, десам, ўйламанки, ҳақиқатни айтган бўламан.

Азиз дўстларим, биродашларим!

Биз 2010 йил мобайнида қандай ютуқ ва марраларга эришган бўлмайлик, албатта уларни қийинчиликсиз, осонлик билан қўлга киритганимиз йўқ.

Шу маънода, қайси соҳани олмайлик, бу қишлоқ хўжалиги бўладими, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳалар бўладими, ўтган йил давомида қанча-қанча машаққатли синов ва муаммоларни енгиб ўтишга тўғри келганини таъкидлаш лозим. Лекин бошимиздан ўтказган бундай синов ва қийинчиликларга, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсирига қарамасдан, ўз ниҳоясига етаётган 2010 йил эл-юртимиз, Ватанимиз учун ҳар ҳаётдан мазмунли, баракали ва омадли бўлди, деб айтишга тўлиқ асосларимиз бор.

Бунинг яққол тасдиғини аввало Ўзбекистонимизнинг дунёдаги санокли давлатлар қаторида иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатларига эришиб келётганида кўриш мумкин.

Айниқса, яқунлаётган йилда ғалла, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик тармоқлари бўйича мамлакатимизда мўл ҳосил еттирилгани, иқтисодиётимизнинг ўсиш суръатлари 108,5 фоизни ташкил этиб, давлат бюджети ялли ички маҳсулотга нисбатан 0,3 фоизга ошириб бажарилгани бу фикрнинг ёрқин далилидир.

Энг муҳими, ўтган йилда аҳолининг реал даромадлари 23,5 фоизга, иш ҳақи, пенсия,



стипендия ва ижтимоий нафақалар миқдори 32 фоизга кўпайгани халқимизнинг фаровонлиги ошиб бораётганидан далолат беради.

2010 йил – Баркамол авлод йилида амалга оширган кенг қўламли тадбирларимиз фарзандларимиз, униб-ўсиб келатган ёш авлодимизнинг замон талаб қилаётган даражада билим олиши, интеллектуал салоҳиятини ошириши, тажриба топиши ва ҳаётга ҳал қилувчи куч бўлиб кириб бориши, бир сўз билан айтганда, келажакимиз масъулиятини ўз зиммасига олишга қодир бўлиши йўлида янги бир қадам бўлди, десам, ўйламанки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласиз.

Олдимизга қўйган эзгу мақсадларга етиш бўйича мамлакатимиз қандай юксак натижаларга эришган бўлса, ҳеч шубҳасиз, миллати, тили, дини ва этноқоғидан қатъи назар, Ўзбекистонимизни ягона Ватан деб, ўзини аямасдан хизмат қилаётган ҳар бир инсон – қайси соҳада, қайси вазифани бажармасин – бу ютуқларда менинг ҳам ҳиссам бор, деб бошини баланд кўтариб юришга албатта ҳақлидир.

Бугун мана шундай шукўҳли айёмда заҳматкаш деҳқонларимиз, меҳнатчи ва зиёлиларимизга, олим ва шифокорлар, жонқуяр ўқитувчи ва мураббийларимизга, жасур ва мард ҳарбийларимизга – мамлакатимиз тараққиёти, халқимизнинг эртанги фаровон ҳаёти учун меҳнати сингган барча-барча юртдошларимизга самимий ҳурматим ва чуқур миннатдорчилигимни билдиришни ўзимнинг бурчим деб биланман.

Томас БАРНИЕР (Франция):

– Тошкентга мамлакатингизнинг беқарор тарихий обидаларини томоша қилиш, гўзал табиатидан баҳраманд бўлиш ва Янги йилни кутиб олиш мақсадида келдик. Ўзбекистонда барча бирдек орзиқиб кутаётган ушбу байрамга катта тайёргарлик қўрилайтган.

Сачин ЧАНД (Ҳиндистон):

– Тошкентнинг серфайз ва мафтункор кўчаларида сайр қилиб, завқ оляймиз. Мен Ўзбекистонга кўп келганман. Ҳар гал келганимда иқтисодиёт, маданият, фантализм, сайёҳлик, ахборот технологиялари ва бошқа соҳаларда қўлга киритилган ютуқлардан ҳайратланаман.

Ортингизнинг ҳар бир шаҳри ўзига хос ва жуда гўзалдир. Тошкент, Хива, Самарқанд ва Бухоро каби шаҳарлардаги ноёб тарихий обидалар, ўз таровати ва жилоси билан бутун дунёни мафтун этаётган меъморий ёдгорликлар Ўзбекистоннинг бой тарихидан сўзлайди, халқингизнинг маданияти ва меъморий санъати бир неча асрлар аввал ҳам юксак даражада ривож топганидан далолат беради.

Биз оиламиз билан Янги йилни Тошкентда кутиб олмақчимиз. Мустақиллик майдонида амалга оширилган бетимсол ишларни ҳайрат билан томоша қилдик. Ушбу муаззам майдонда безатилган улкан арча эйтиборимизни тортди. Янги йил арафасида бу ерда болакайларнинг мазмунли хордиқ чиқариши, ўйнаб-қулиши учун катта тайёргарлик қўрилганининг гувоҳи бўлдик.

Нодира МАНЗУРОВА ёзиб олди.

### ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ФАРОВОНЛИК, ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК ҲАВАС ҚИЛГУЛИҚДИР

бўлялман. Байрам арафасида Тошкент эрталардаги каби сеҳрли шаҳарга айланган. Кўчаларда безатилган арчалар, ранг-баранг чироқлар кўзни қувонтиради. Ўзбекистон ташқи дунё билан алоқаларни, жумладан, иқтисодий ҳамкорликни кенг қўламли ривожлантириш йўлидан изчил ва дадил бораётир. Юртингизда бошқа жабҳалар қатори устувор ҳисобланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожига алоҳида эътибор қаратилаётгани диққатга сазовордир.

ни, унинг кўтаринки руҳда нишонланишини кўрган ҳар қандай киши ҳайратга тушиши шубҳасиз. Шаҳар байрам арафасида янада гўзал манзара касб этган. Янги йилда ҳар бир инсон эзгу ниятлар қилади. Энг эзгу тилак эса, аввало, саломатлик, тинчлик ва барча яқинларингизнинг бахтиёр табассумини кўришдир. Ўзбекистондаги ана шу фаровонликка, тинчлик ва осойишталикка кўз тегмасин.

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Президенти номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар раҳбарларидан янги йил табриклари келиши давом этмоқда.  
● Конимех туманилик фермер Тоҳир Жамолов сутни қайта ишлашга ихтисослаштирилган технологик линияни ишга туширди. Ҳозирда 14 киши меҳнат қилаётган мазкур корхонада дастлабки 29 миллион сўмлик беш турдаги сут маҳсулотлари тайёрланиб, савдо шохобчаларига етказиб берилди. Муҳими шундаки, хом ашё фермернинг ўз чорвачилик хўжалигидан чиқмоқда.

● Нарпай туманида Янги йил арафасида 51 та шинам уй қуриб фойдаланишга топширилди. Тумандаги «Нарпай Озодабегим» ҳамда «Нурмон қурилиш савдо» ихтисослаштирилган махсус пудрат ташкилотчилари қурувчилари 11 ой ичида янги қошоналарни барпо этишди. Барча шароитга эга пишиқ гиштдан қурилган ҳовлини уйлар эгаларига манзур бўлди.

● Кумқўрғон туманидаги «Янги шаҳар» маҳалласида мусиқа ва санъат мактабининг янги биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. «Жарқўрғонгагромуштаъмирқурилиш» МЧЖ қурувчилари бунинг учун 1 миллиард 402 миллион сўмлик бунёдкорлик ишларини амалга оширдилар.

● Хоразм вилояти «Матлубот савдо» ҳудудий акциядорлик компанияси томонидан чекка қишлоқларда 10 та савдо шохобчаси ишга туширилди. Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун 284 миллион сўм сарфланди.

● Навбахор туманидаги «Азиз Юлдуз келажак» хусусий корхонаси томонидан «Сарой» маҳалласида замонавий савдо мажмуаси қурилиб, ишга туширилди. Ушбу лойиҳани амалга оширишда банкнинг 50 миллион сўмлик кредити ҳамда корхонанинг ўз маблағларидан самарали фойдаланилди.

● Алишер Навоий номли Наманган вилояти мусиқали драма театри жамоаси «Қаердасан, фаршам?» деб номланган янги асарни саҳналаштирди. Режиссёр Жавлон Жўраев томонидан саҳнага олиб чиқилган ушбу спектаклда ёшлар тарбияси бош мазву қилиб олинган.

### ЖАҲОНДА

● 2010 йилда олтин энг даромадли актив сифатида тан олинди.

● Кучли қор бўронлари боис кеча АҚШнинг Шимолий Дакота штатида 100 та машина бир вақтнинг ўзида ўзаро тўқнашиб кетди. Йирик автоҳалокат натижасида қурбонлар бўлсада, бироқ 16 километрлик масофада машиналар ҳаракати бир неча соатга тўхтаб қолди.

● Россиянинг «Аэрофлот» компанияси ноқулай об-ҳаво шароитларидан сўнг барча парвозлар жадвалини тўлиқ тиклашга эришди.

● Греция танкерининг Атлантика океанида кучли бўронга дуч келиши натижасида икки киши ҳаётдан кўз юмди.

● АҚШ Венесуэланинг Вашингтондаги элчиси Б.Альвареснинг визасини бекор қилди.

● Колумбия махсус хизматлари томонидан «Пичоқ» лақабли наркобарон Герейра йўқ қилинди.

● Россия танкери Сомали қароқчиларининг ҳужумини қайтаришга муваффақ бўлди.

● Пензада сигнал берувчи ва спорт қуролларини жанговар қуролларга айлантириб сотиш билан шугулланган жиноий гуруҳ аъзолари қўлга олинди.

● Хабаровскдаги ҳайвонот боғида Амур йўлбарсининг болалашни жуда ноёб ҳодиса сифатида баҳоланди. Ҳозир жажжи йўлбарсини Россиянинг бир неча шаҳарларидан ташқари Испания ва Япониядаги ҳайвонот боғлари ҳам харид қилиш ниятида.

Янги йил арафасида пойтахтимиз майдонларида, кўчаларида кўпга сайёҳларни учратиш мумкин. Ўза муҳбири уларнинг айримлари билан суҳбатда бўлди.

Хе КВАНГ (Хитой):

– Мамлакатингизга илк саёҳатим мазмунли ўтмоқда. Янги йил арафасида Тошкентнинг кўча ва майдонларида, сайилгоҳларида, меҳмонхоналарида ранг-баранг байрам тадбирларини катта қизиқиш билан томоша қиламан. Юртингизда байрам кунлари болаларнинг мароқли хордиқ чиқариши учун яратилган шароитга ҳавасим келди. Байрамолди савдо ярмаркаларида сотилаётган совғалар хилма-хиллиги билан барчани ўзига жалб этмоқда.

Заминингиз саховатли, одамларингиз кўнгли очик, миллий қадриятларингиз гоят ажойиб ва жуда бой экан. Мамлакатингизда ноёб муҳандислик лойиҳалари асосида яратилган обидалар, халқ амалии санъати дурдоналарини кўриб ҳайратландим. Янги йилни эртакмонанд диёрингизда кутиб олаётганимдан бахтиёрман.

Карло ХАРТЛИ (Италия):

– Янги 2011 йилни халқингиз катта шодияна билан кутиб олаётганининг гувоҳи

2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили

“УНИВЕРСАЛБАНК”:

**ХИЗМАТ ТУРЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА**

Янги 2011 йил арафасида “Универсалбанк” хусусий очик акциядорлик-тижорат банки жисмоний шахслар учун “Янги йил” омонат турини жорий қилмоқда. Унга кўра, нақд ва нақд пулсиз омонатларни 3, 6, 9 ва 12 ой муддатга қўйиш мумкин.

ЎЗА хабарига кўра, “Универсалбанк” омонатлар қафиллигини таъминлаш жамғармаси азбоси ҳисобланади ва бу пул маблағларининг давлат томонидан юз фоиз қайтарилишини кафолатлашидан далолат беради. Омонатлар 2011 йил 10 январгача қабул қилинади. Янги омонат тури банкда янада кенг турдаги хизматларни яратиш мақсадида олиб борилган кенг кўламли қайта ташкил қилиш ишлари доирасида тақлиф этилмоқда. Бу эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрда қабул қилинган 2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишларига доир қарорда белгиланган мақсад ва вазифаларга тўла мос келади.

Банк 2011 йил учун қабул қилинган ривожланиш стратегиясига мувофиқ омонатчилар истакларининг доимий мониторингини асосида ҳар ой камда икки турдаги янги омонатни тақлиф этади.

“Универсалбанк” хусусий очик акциядорлик-тижорат банки 2002 йил 25 май-


да ташкил этилган. 2010 йил бошида банк активлари 26,4 миллиард сўмни ташкил этди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари ҳамда айрим мижозлар банкнинг асосий мижозлари ҳисобланади.

2010 йил ўртасидан банкда корпоратив бошқарувни кучайтириш, операция таваккалчиликларини назорат қилиш, бозор улушини оширишга йўналтирилган кенг кўламли қайта ташкил қилиш ишлари бошланди. Қайта ташкил қилиш ишлари Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган маърузасида белгиланган мақсад ва вазифаларга ҳам мос келади. “Универсалбанк” мамлакатимиз иқтисодий эътиборининг мазкур бўғинига беvosита хизмат кўрсатадиган банклар сирасига кириди. Айни пайтда банкни ривожлантириш стратегияси мамлакатимиз бизнес вакилларига тақлиф этилаётган турли хил банк хизматлари сифатини янада такомиллаштиришга қаратилган.

В.НИКОЛАЕВ

В.Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейидан кўплаб ёш иқтидорлар етишиб чиқмоқда. Бу ерда яратилган шароитлардан илҳомланган ҳолда ўқитувчилар ҳам тажрибасини ишга солган ҳолда истеъдодларга таянч бўлмоқда.

**ИНТИЛГАНГА ТОЛЕ ЁР**



Истеъдод соҳиби Бехзод Содиков устозлари сабоқларини доимо пухта ўзлаштиришга ҳаракат қилиб, бугунги кунда кўплаб муваффақиятларга эришди.

— Ҳар бир ютуғимда вокал бўйича ўқитувчим Василий Николаенко ва концертмейстер Евгений Кирбятёвнинг беназир меҳнати бор деб биламан, — деди Бехзод. — Лицейни тамомлағач, Ўзбекистон Давлат консерваториясида ўқишни давом эттириш ниятим бор. Катта ижрочилар ёшлاردан орзу қилганидек, мен ҳам жаҳонга машҳур бастакорлар, операшунослар ижод намуналарини ўрганишга астойдил ҳаракат қиламан. Балки «Метрополитен опера», «Ла Скала»да куйлаш ҳам насиб этар.

Интилганга толе ёр деганларидек, тенор овозига эга Бехзод Содиковга орзу-умидлари ушалишига тилак билдириб қоламиз.

Дилшод ИСРОИЛОВ  
Алексей Попов олган сурат

**Алоқа**

**КАТТА ҚИЗИҚИШ БИЛАН**

«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси қошидаги муҳандислик-техник маркази томонидан ташкил этилаётган ўқув ушмағулотлари ёш мутахассислар билим ва маҳоратини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Муахассисларнинг янги техника, бошқарув ва маркетинг йўналишларини чуқур ўрганиши соҳа ривож учун хизмат қилади.

Мағулотлар мавзу жиҳатидан ранг-баранг бўлиб, айниқса алоқа хизматини замонавийлаштиришга қаратилган. «Корпоратив бошқарув — бозор муносабатлари шароитида корхона рақобатбардошлигини оширишнинг асосий омил», «Молиявий менежмент — бошқарувнинг муҳим йўналиши» каби мавзуларда ташкил этилган мағулотлар ҳам муахассислар томонидан катта қизиқиш билан қабул қилинди.

**ЎЗ КАСБИНИНГ УСТАСИСИ**

«Тошкент телеграф-телефон станцияси» филиалида ўз касбининг фидойилари кўплаб топилади. Муҳандис Ольга Иштокина ҳам жамоанинг фахрига инга айланган. Шаҳарлараро телефон ин станциясида бой тажриба орттирган бу алоқачининг коммуция станциясидаги меҳнат нат фаолияти самарали кечди.

Ўз малкасини коммуция тизимлариди буйича мқандис даражасига оширишга муваффақ бўлган изланувчан ходим халқаро ва шаҳарлараро алоқа каналларини ўзи вақтида улаш ва хизмат сифатини оширишга ҳаракат қилмоқда. Зиммасидаги вазифаларни мустақил ва масъулият билан бажа раётган Ольга Иштокина Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг «Ўз касб кибининг устаси» кўкрак белгиси билан тақ дирланди.

**Таълим**

**ИҚТИДОРЛИ ЎҚУВИЛАР МАКТАБИБИ**

Республика физика-математика ика мактаб-интернатида яхши анъаналар шаклланган бўлиб, иқтидорли ўқувчилар камолотида ида муҳим ўрн тутмоқда.

Ўзбекистон Миллий университетиди ака академик Сади Сирожиiddинов ташаббуси буси билан очилган бу билим даргоҳида 14 та фета фан, 12 та спот, етита касбга йўналтирувтирувчи тўғарақлар фаолият кўрсатади.

Фан тўғарақлари замирида илмий май марказлар ташкил этилиши ҳам нур устига аъло нур бўлди. Кўплаб иқтидорли ўқувчи ўшлар эътиборини ўйига жалб қилган лган бу марказ томонидан янги тўппам босмага тага тай ёрланди.

Мактаб-интернатнинг ярим асрлик фаол фаолиятига бағишланган ушбу наурда физика-математика фанлари буйича иқтидорли ўқувчиларнинг олиб борган изланишлари лари ўз ифодасини топди.

Акбар АЛИ АЛИЕВ

**ЁШ ПЕДАГОГЛАР Р ФЕСТИВАЛИ**

Шайхнотхур туманидаги 324-324-мактабда “Бу улугъ ватанда азиздир инсон” шiori остида ида ёш педагоглар фестивали бўлиб иб ўтди.

Тадбирда халқ таълими заирлиги туғи тузилмалари ақллари, экспертлар, тани таниқли ёзувчи ва ошлар иштирок этди.

Таълим тизимиди ёш мутахассис кадр кадрларни ўстириш борасида кўплаб хайрли ишлар қилинмоқда. Тадбирда бунга алоҳида ҳида ургу берилган ҳолда, айниқса «устоз-шоғи-шоғирд» мактаби тенг ривожлантириш муш муҳим аҳамият касб этаётгани яна бир бор ўзбор ўз аксини топди, айниқса ёш ўқитувчиларни тарни рабатлантириб бориш, мутахассис сифа сифатида шакллантириш шароитлар яратиш лози лозимлиги эътирф этилди.

Фестиваль давомида ёш педагоглар ўз йўналиш буйича орттирган маҳоратини янада намойиш ашга ҳаракат қилди.

Санъатлар, адабиётшунослар ҳам ҳам тадбир кўтини руҳда ўтишига ҳисса қўса кўшилди.

Энг фл ўқитувчилар ташкилотлар тлар томонидан фалар билан тақдирланди. ди.

«Туркистон-прон-пресс»

**14 январь — Ватан ҳимоячилари куни**

**ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ**

Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг 2010 йил 12 ноябрда ўтказилган қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузаларида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш Ўзбекистон мудофасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилотига ҳам катта масъулият юклайди.

“Ватанпарвар” ташкилоти марказий кенгашида бўлиб ўтган йиғилиш давлатимиз раҳбарининг ушбу маърузаларидан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланди. Унда ташкилотнинг вилоят кенгашлари ҳамда тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон мудофасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти марказий кенгаши раиси вазифасини бажарувчи, генерал-майор Қ.Мамедов бошқарган тадбирда амалга оширилган ишлар атрофича таҳлил этилди. 2011 йилда тизим инфратузилмасини янада такомиллаштириш, замонавий билим ва касб-хунарларни пухта эгаллаган, дунёқарашни кенг ёшлардан иборат кадрлар заҳирасини ташкил этиш, мавжуд спорт иншоотларидан унумли фойдаланиш орқали ёшлар ўртасида спортнинг техник ва амалий турларини оммалаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига янги иш ўринлари яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

“Ватанпарвар” тизимиди тарбияланаётган ёшлар спортнинг техник ва амалий турлари буйича нафақат мамлакатимизда, балки халқаро мусобақаларда ҳам юксак натижаларни қўлга киритмоқда. 2009-2010 йилларда ташкилот спортчилари халқаро мусобақаларда 20 олтин, 21 кумуш, 22 бронза медални қўлга киритгани бунинг далилидир.

Йиғилишда ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш ишларини янада кучайтириш, Қуролли Кучларимиз сафларини ҳарбий-техник тайёргарликка эга ёшлар билан тўлдириш, ёшлар ўртасида ҳарбий-ватанпарварлик, маънавий-ахлоқий тарбияни янада кучайтириш, тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш зарурлиги таъкидланди.

Холмурод САЛИМОВ,  
ЎЗА мухбири

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, бугунги кунда микронутриент етишмаслиги туфайли миллионлаб инсон ногирон бўлиб қолмоқда, ҳар йили қарийб икки миллион бола нобуд бўлаётир. Жаҳон банкнинг ҳисоб-китобига кўра, ҳар бир давлат шу туфайли ялпи иқтисодий даромадининг беш фоизигача молиявий зарар кўради. Глобал миқёсдаги бу муаммонинг олдини олиш мақсадида озик-овқат маҳсулотларини фойдали микроэлементлар билан бойитиш амалиёти ҳаётга татбиқ этилаётир.

Мамлакатимизда мазкур йўналишда самарали ишлар амалга оширилмоқда. Жорий йил 7 июнда қабул қилинган “Аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси тўғрисида”ги Қонун бу йўналишдаги хайрли ишлар кўламини янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи Дилором АХМЕДОВА ЎЗА мухбирига мазкур қонунни ҳаётга татбиқ этиш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида қуйидагиларни гапириб берди:

— Мамлакатимизда Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнаомлигида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, жисмоний ва маънавий соғлом авлод туғилишига эришиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда, — дейди Д.Ахмедова. — Бу жараёнда, айниқса, аёллар ва болалар ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикасига, ҳаюмюртларимизни фойдали микроэлементларга бой озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётир.

“Аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси тўғрисида”ги қонун Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг 2009 йил 1 июлда қабул қилинган қарори билан тасдиқланган 2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастурига мувофиқ ишлаб чиқилди. Тўрт боб, 18 моддадан иборат ушбу қонунда мазкур соҳага оид давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари, аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслигининг олдини олиш чора-тадбирлари белгиланган.

Микронутриентлар инсон орга-

низмининг бир меъёрда ривожланиши, тўлақонли фаолият юритиши учун зарур витаминлар ва минерал моддалардир. Агар инсон вужудида бу моддаларнинг етишмовчилиги бошланса, иммунитет заифлашади, интеллектуал салоҳиятга салбий таъсир кўрсатади, оналар ва чақалоқларда касалликлар кучаяди, ҳатто ўлим ҳолати юз бериши

**ИНСОН САЛОМАТЛИГИ — ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА**

мумкин. Болалар ва ўсмирларнинг ақлий ва жисмоний ривожланиши, инсонларнинг меҳнат қобилиятида ҳам микронутриентлар муҳим ўрин тутди.

Мазкур глобал тиббий-ижтимоий муаммонинг олдини олиш мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза этишнинг муҳим йўналишини ташкил этади. Мамлакатимизда қатор йиллардан буён организмда темир ва йод танқислигининг олдини олиш учун урни ва ош тузини бойитиш, болалар ва фертил ёшдаги аёлларни А витамини билан таъминлаш, гўдақларни кўкрак сути билан озиклантириш, рационал овқатланиш маданиятини тарғиб этишга йўналтирилган кенг кўламли тадбирлар амалга оширилмоқда. Айниқса, қишлоқ ҳудудларида ҳомиладор аёлларни поливитаминлар билан таъминлаш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу йўналишдаги лойиҳаларнинг самарадорлигини баҳолаш бўйича ўтказилган илмий тадқиқотлардан маълум бўлишича, бойитилган урни мунтазам истеъмол қилиш натижа-сида фертил ёшдаги аёллар ўртасида камқонлик кўрсаткичи йилига етти фоизгача пасайган. Оналар ва болалар касалликлари ва ўлими кескин камаймоқда.

Мазкур қонун ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида тузилган махсус ишчи гуруҳига турли соҳа му-

тахассислари жалб этилган. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, даволаш-профилактика, санитария-эпидемиология соҳаси ходимлари ҳамда Республика саломатлик ва тиббий статистика институти олимлари ва мутахассислари ҳамкорликда иш олиб бормоқда.

Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини ва тўғри овқатланиш маданиятини тарғиб этиш борасида зарур тавсиялар берилмоқда. Мунтазам истеъмол қилинадиган озик-овқат маҳсулотларини микронутриентлар билан бойитиш юзасидан илмий изланишлар олиб борилмоқда. Ўсимлик ёғини А витамини билан бойитишга оид илмий лойиҳа бунга мисолдир.

Кўп ҳолларда тўғри овқатланиш деганда тўйиб овқатланиш, юқори калорияли таомлар истеъмол қилиш тушунилади. Ҳолбуки, бундай ҳолатлар соғлом турмуш тарзига тўла мувофиқ эмас. Чунки, инсоннинг кундалик овқатланиши унинг сарфлайдиган энергиясига мос бўлиши лозим. Овқатланиш рационал бўлишида гўшт, сут, дуккакли маҳсулотлар, кўкатлар, мевалар, сабзавотлар бўлишига, ҳатто чойни қайси вақтда ичишга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Саховатли заминимизда йилнинг тўрт фаслида ҳам бундай маҳсулотлар сероб, уларни етиштириш, сақлаш, ташвиш, истеъмол қилиш имкони-ятлари кенг. Масалан, ҳозир қиш фасли бўлишига қарамай, бозорларимизда сабзи, қарам, лавлаги, картошка, кўкатлар, меваларнинг сархил турларини харид қилиш мумкин. Сабзавотлар аралашмасидан тайёрланган салатларда озгина ўсимлик мойи қўшилса, овқат таркибидаги микроэлементлар организмга енгил ва тўла-тўқис сўрилади.

Аҳолининг бу борадаги тушунча ва кўникмаларини ривожлантириш бирламчи бўғиндаги шифокорлар зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникалар шифокорлари учун мунтазам ўтказилаётган махсус ўқув-услубий мағулотларда ана шу вазифаларни бажаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Микронутриент етишмаслиги профилактикаси соҳасидаги ишларни такомиллаштиришга қаратилган бундай чора-тадбирлар аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш борасидаги ишлар кўламини янада кенгайтириш ва фарзандларимизни баркамол инсонлар этиб вояга етказишга хизмат қилади.

Баҳор ХИДИРОВА  
ёзиб олди.

**ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ**  
ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ




*қадрли тортдошларимиз  
ва пойтахтимиз меҳмонларини*

**ЯНГИ 2011 ЙИЛ**

**БИЛАН САМИМИЙ ҚУТЛАЙДИ.**

*Янги йилда омад ва азло кайфият  
сизларни асло тарк этмасин.*

*Йўлларингиз ҳамиша ойдин ва равон,  
дилингиз ёруғ ва равшан бўлсин!*




**«4-АВТОБУС САРОЙИ»**  
акциядорлик жамияти жамоаси

*азиз ҳамюртларимиз  
ва шаҳримиз меҳмонларини,  
қадрли ҳамкасбларимизни*

*қўнлуғ қадам билан кириб келган  
ЯНГИ — 2011 ЙИЛ  
билан самимий муборакбод этади.*

*Янги йилнинг хуш кайфияти ҳамиша  
ҳамроҳингизга айлансин. Дилингиздаги эзгу  
ниятлар амалга ошиб, бахтингиз бутун,  
йўлингиз ойдин бўлсин!*



«ИФФАТЛИ КЕЛИН»  
ЎҚУВ МАРКАЗИ ЖАМОАСИ

*КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ  
ТАДБИРКОРЛИК ЙИЛИ БИЛАН  
БАРЧА ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ,  
БУЮК КЕЛАЖАГИМИЗ БУНЁДКОРЛАРИ  
БЎЛИШ ЁШЛАРУ ЗУҚҚО ТАЛИБЛАРНИ,  
МЕҲНАТКАШ ХАЛҚИМИЗНИ  
САМИМИЙ МУБОРАКБОД ЭТАДИ.*

**2011 йил**

**ҳаммамизга бахт ва**

**омад олиб келсин,**

**эзгу орзу-**

**ниятларимиз**

**ушалаверсин!**



*Юртимиз ривожини йўлида тинимсиз  
меҳнат қилаётган халқимизни  
Янги йил билан муборакбод этамиз.*

2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида банкимиз филиллари замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини ташкил этишга мўлжалланган инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга ўз хизматларини таклиф этади.

**Байрамингиз муборак бўлсин!**


**«АГРОБАНК» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ  
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ**



**АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР ВА  
ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!**

*Барчангизни бахт ва омад ила кириб келаётган  
2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик  
йили билан чин дилдан қутлаймиз.  
Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, дастурхонимиз  
доимо тўкин бўлсин.*

**«ПОЙТАХТ НАВРЎЗ ТАОМ САВДО» ДУК ЖАМОАСИ**



**Январь**

Д	С	Ч	П	Ж	Ш	Я
3	4	5	6	7	8	9
10	11	12	13	14	15	16
17	18	19	20	21	22	23
24	25	26	27	28	29	30
31						

**Февраль**

Д	С	Ч	П	Ж	Ш	Я
7	8	9	10	11	12	13
14	15	16	17	18	19	20
21	22	23	24	25	26	27
28						

**Март**

Д	С	Ч	П	Ж	Ш	Я
7	8	9	10	11	12	13
14	15	16	17	18	19	20
21	22	23	24	25	26	27
28	29	30	31			

**Апрель**

Д	С	Ч	П	Ж	Ш	Я
4	5	6	7	8	9	10
11	12	13	14	15	16	17
18	19	20	21	22	23	24
25	26	27	28	29	30	

**Май**

Д	С	Ч	П	Ж	Ш	Я
2	3	4	5	6	7	8
9	10	11	12	13	14	15
16	17	18	19	20	21	22
23	24	25	26	27	28	29
30	31					

**Июнь**

Д	С	Ч	П	Ж	Ш	Я
6	7	8	9	10	11	12
13	14	15	16	17	18	19
20	21	22	23	24	25	26
27	28	29	30			

**Июль**

Д	С	Ч	П	Ж	Ш	Я
4	5	6	7	8	9	10
11	12	13	14	15	16	17
18	19	20	21	22	23	24
25	26	27	28	29	30	31



**Август**

Д	С	Ч	П	Ж	Ш	Я
1	2	3	4	5	6	7
8	9	10	11	12	13	14
15	16	17	18	19	20	21
22	23	24	25	26	27	28
29	30	31				

**Сентябрь**

Д	С	Ч	П	Ж	Ш	Я
5	6	7	8	9	10	11
12	13	14	15	16	17	18
19	20	21	22	23	24	25
26	27	28	29	30		

**Октябрь**

Д	С	Ч	П	Ж	Ш	Я
3	4	5	6	7	8	9
10	11	12	13	14	15	16
17	18	19	20	21	22	23
24	25	26	27	28	29	30
31						

**Ноябрь**

Д	С	Ч	П	Ж	Ш	Я
7	8	9	10	11	12	13
14	15	16	17	18	19	20
21	22	23	24	25	26	27
28	29	30				

**Декабрь**

Д	С	Ч	П	Ж	Ш	Я
5	6	7	8	9	10	11
12	13	14	15	16	17	18
19	20	21	22	23	24	25
26	27	28	29	30	31	

**ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ АСОСИЙ ХИЗМАТЛАРИ**

- Ёнгин хавфсизлиги хизмати 01
- Милиция — 02
- Тез ёрдам — 03
- "Тошгаз" авария хизмати — 04
- Кутқарув хизмати — 050
- Темир йўл бошқармасининг маълумотномаси — 005
- "Тошшаҳарйўловчитранс" такси буортмаси — 062
- Дорихоналар бўйича марказий маълумотнома — 069
- Шаҳарлараро сўзлашувлар учун буортмалар — 07
- Ташкилотларнинг телефонлари ва об-ҳаво маълумотномаси — 09
- Шаҳарлараро телефон тармоғи маълумотномаси — 007
- Хонадонларнинг маълумотномаси — 009
- Халқаро сўзлашувлар буортмаси — 061
- Шаҳар телефон тармоғи иши бўйича кечаю кундуз маълумотномаси — 064
- Фуқаролик хизмати бошқармаси — 235-81-75, 234-34-01
- "Тошкент" автовокзали — 279-39-15

**ТЕЛЕФОН ТАРМОҚЛАРИНИ ТАЪМИРЛАШ ХИЗМАТИ**

- Тўғри ўтказгичларни таъмирлаш хизмати — 068
- Марказий алоқа тармоғи — 083 — 235-04-25 — 235-09-10
- Олмазор алоқа тармоғи — 084, 229-04-25, 29-09-10
- Миробод алоқа тармоғи — 255-04-25 — 255-09-10
- Мирзо Улуғбек алоқа тармоғи — 086, 262-04-25, 262-09-10

**ҚЎНҒИРОҚ ҚИЛИНГ, СЎРАНГ, БИЛИБ ОЛИНГ**

- Чилонзор алоқа тармоғи — 277-04-25 277-09-10
- Янгиобод алоқа тармоғи — 297-04-25 297-09-10

**МАРКАЗИЙ АВАРИЯ-ДИСПЕТЧЕРЛИК ХИЗМАТЛАРИ**

- Ичимлик суви тармоқлари — 252-60-08, 252-55-78
- Шаҳар оқава сув тармоқлари — 235-40-11, 235-43-79
- Шаҳар электр тармоқлари — 233-77-53
- Иссиқлик тармоқлари — 255-09-26

**«ТОШГАЗ» БОШҚАРМАСИ ДИСПЕТЧЕРЛИК ХИЗМАТЛАРИ**

- Марказий авария-диспетчерлик хизмати — 255-44-27
- Учтепа — 274-44-34
- Бектемир — 295-14-43
- Миробод — 254-15-61
- Мирзо Улуғбек — 267-46-24
- Олмазор — 248-35-48
- Сергели — 258-84-33
- Ҳамза — 296-39-61
- Чилонзор — 278-06-07
- Шайхонтоҳур — 242-39-26
- Юнусобод — 212-25-52
- Яккасарой — 255-49-59

**ТУМАН ҲОКИМЛИКЛАРИ ҚАБУЛХОНАЛАРИ**

- Учтепа — 274-24-30
- Бектемир — 295-02-40
- Миробод — 233-29-86
- Мирзо Улуғбек — 268-94-04
- Олмазор — 227-11-03
- Сергели — 257-91-11
- Ҳамза — 283-33-32
- Чилонзор — 276-90-90
- Шайхонтоҳур — 241-26-00
- Юнусобод — 234-62-31
- Яккасарой — 255-74-49

**ИЧКИ ИШЛАР БЎЛИМЛАРИ**

- Учтепа — 272-80-79
- Бектемир — 295-02-39
- Миробод — 293-18-95
- Мирзо Улуғбек — 267-33-50
- Олмазор — 228-02-33
- Сергели — 258-02-42
- Ҳамза — 296-06-30
- Чилонзор — 278-58-40
- Шайхонтоҳур — 288-31-90
- Юнусобод — 235-00-02
- Яккасарой — 255-94-96
- Шаҳар ИИББ ишонч телефони — 256-85-85

**ТЕЗ ТИББИЙ ЁРДАМ ХИЗМАТИ**

- "03" бўйича навбатчилар — 236-73-32
- Олмазор 2-болалар ва катталар — 248-46-77
- Шайхонтоҳур 1-катталар — 243-26-68, 243-07-34
- Учтепа 4-катталар — 275-46-99
- Мирзо Улуғбек — Ҳамза 5-катталар — 266-44-27
- Юнусобод — Мирзо Улуғбек 6-болалар ва катталар — 212-45-11

- Яккасарой 10-катталар 255-85-54
- Сергели 8-болалар ва катталар — 258-36-85, 258-70-76
- Чилонзор 9-катталар — 216-73-88, 216-73-89
- Миробод-Ҳамза 7-катталар — 290-70-03 (01)

**МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ТАСАРРУФИДАГИ БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ПЕНСИЯ ЖАМФАРМАСИ**

- Тошкент шаҳар бошқармаси — 233-65-30
- Учтепа — 272-36-72
- Бектемир — 295-06-23
- Миробод — 256-54-96
- Мирзо Улуғбек — 269-14-60
- Сергели — 258-39-35
- Олмазор — 248-46-71
- Ҳамза — 297-58-17
- Чилонзор — 277-87-10
- Шайхонтоҳур — 249-06-34
- Юнусобод — 235-52-04
- Яккасарой — 250-85-31

**МЕҲМОНХОНАЛАР**

- "Интерконтиненталь — Ташкент" — 120-70-00
- "Марказий" — 238-30-00
- "Ўзбекистон" — 113-11-11



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир  
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 100029,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**

Эълонлар: 233-28-95,  
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба  
ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар  
Матбуот ва ахборот  
бошқармасида 02-1-рақам  
билан рўйхатта олинган.

Ҳажми — 2 босма тибок,  
офсет усулида босилади.  
4828 тусола босилади.  
Қоғоз белини А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича  
турар жойлардаги почта бўлимларига ёки  
«Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига  
муурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарк» нашрий-матбоба акциядорлик компанияси  
босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4